

Архив - ахборот хазинасидир

“Архив” атамаси лотинча “архивум” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “маҳкама”, “муассаса” деган маънони билдиради. Лекин бу сўз ҳозирги кунда бошқача маънода қўлланилади. Архив деганда биз, одатда, фақат ҳужжатлар сақланадиган муассасани тушунамиз.

Архивларда турли идоралар, корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, айрим шахслар фаолияти жараёнида яратилган ва тўпланган ҳужжатлар, материаллар сақланади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон архив тизими идоравий архивлар, давлат архивлари ва шахсий архивлардан иборат.

Вилоятимизда бугунги кунда Андижон вилоят давлат архиви, Олтинкўл, Мархамат, Избоскан, Шахрихон туманлари ва Асака шаҳар давлат архивлари билан бир қаторда Қўрғонтепа туман давлат архиви ҳам фаолият олиб бормоқда.

Қўрғонтепа туман давлат архиви Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1953 йил 27 мартдаги Фармони, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1953 йил 28 мартдаги 400-сонли қарори ҳамда Андижон вилояти ижроия комитетининг 1953 йил 31 мартдаги № 305-сонли қарорига асосан ташкил этилди.

1956 йилгача район ички ишлар бўлими қошидаги архив район ижроия комитетининг 1956 йил 14 мартдаги 79/4 сонли қарори билан район ижроия комитети қошидаги давлат архиви деб номланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1957 йил 17 августдаги № 530-сонли қарори билан район давлат архивининг низоми тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1961 йил 16 июндаги 317/13 сонли қарорига асосан Қўрғонтепа давлат архивига Қорасув (Ильичевск) шаҳар архиви ва Қўрғонтепа Жалақудук ва Хўжаобод район архивлари Қўрғонтепа районлараро давлат архивига бирлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада таъкомиллаштириш тўғрисида”ги 49-сонли, Андижон вилояти хокимининг 2004 йил 17 февралдаги 34-К сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “ЎзАрхив” агентлигини 2004 йил 10 февралдаги 2-сонли буйруғига асосан Андижон вилояти архив иши бошқармаси Қўрғонтепа туман давлат архивига айлантирилиб, Қўрғонтепа туман давлат архивининг Низоми янгитдан тасдиқланди.

Бугунги кунда Қўрғонтепа туман давлат архивида 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра 1922-2009 йилларга оид бўлган 71400 дона сақлов бирлигидаги илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган қимматли ҳужжатлар сақланмоқда. Бунда 54700 дона сақлов бирлиги собиқ Совет даврига оид, 16700 дона сақлов бирлигидаги ҳужжатлар Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврига оид бўлган Қўрғонтепа, Жалақудук, Хўжаобод туманлари ҳамда Хонобод ва Қорасув шаҳарларининг ҳужжатлари сақланмоқда.

Янги замонда архивларда сақланаётган ҳужжатлар сонининг кескин ошганлиги туфайли уларни сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ ишлар тобора мураккаблашиб борди. Натижада ҳужжатларни ҳисобга олиш, уларни бир

тизимга солиш ва рўйхатга олишнинг янги-янги усуллари ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилди. Архивларда ҳужжат ва материалларнинг умумий миқдори ва турлари ҳозирги кунда ниҳоятда кўпдир. Шунинг учун ҳам архивдаги ҳужжатларни саралаш ва сақлашнинг замонавий усулларида фойдаланишда тўғри йўлга қўйилган.

Мижозларнинг Қўрғонтепа туман давлат архив ҳужжатларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида архив ҳужжатлари бир нечта бўлимларга ажратилган бўлиб, булар: Андижон вилояти ҳокимлиги ва туман ҳокимлиги тасарруфидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ва Адлия вазирлиги судлар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт статистика бошқармаси ва режалаштириш бўлими, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва туман ширкат хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, таъминот тайёрлаш ва тақсимот ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси, Қурилиш ва меъморчилик, Андижон вилояти архив иши бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ижтимоий ҳимоя, адабиёт, санъат, матбуот ва маданий -маърифий ташкилотлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик техника таъминоти, Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалар федерацияси кенгаши, бошқа ташкилотлар, шахсий фондлардир.

Туман давлат архивидан уй-жой қуриш учун ер участкаси, ҳовли, болаларни тарбиясига ва хомийликка олганлигини тасдиқлаш, тегишли суд ишлари ва бошқа ҳужжатлардан кўчирма олиш мумкин. Шу билан бирга, нафақат тарихчилар балки бошқа соҳаларда илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчилар ҳам ўзларига керакли бўлган маълумотларни олишлари мумкин. Масалан, туман давлат архивнинг 139-фонд 82-ишнинг 6-9 - варақларидаги материалларида 1930-йиллардаги Республика М/Т Пед. станцияси Ўз.МХКнинг “Болалар майдончасидан фойдаланиш ва болалар билан машғулотлар ўтказиши бўйича методик кўрсатма”лар берилган. Архивнинг 40-фондидан “Ойим районининг 1939 йилдан 1969 йилгача бўлган даврдаги иқтисодий характеристикаси ҳамда район президиумининг қарор ва йиғилиш баённомлари”дан, 254-фондан эса “Савай давлат хўжалигининг 1939-1998 йиллар учун такомиллаштирилган рўйхатлари”дан маълумотларни олишлари мумкин.

Айтиш мумкинки, Андижон давлат университетида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган мустақил тадқиқотчи, докторант, магистр, бакалаврлар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишлари жараёнида Қўрғонтепа туман давлат архивидаги ахборотлар хазинасидан фойдаланишлари юртимиз яқин тарихида ҳамон номаълумлигича қолиб кетаётган айрим фактларни ойдинлаштиришда ёрдам беради.

Қўрғонтепа туман давлат архиви директори Қ.Махмудов
Андижон давлат университети МҒМАХТ кафедраси ўқитувчиси Ш.Махамадюнов.